

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жалақудуқ туман Мактабгача
таълим бўлими мудирини
М.Исмоилова



ЖАЛАҚУДУҚ ТУМАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЛИМИГА
ҚАРАШЛИ 26-ДМТТ БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ
ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Жалақудуқ туман - 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1.ТАНЛОВ
ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: Жалақудуқ туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 26-ДМТТ биносидида ошхона, кир ювиш хонаси, спорт зал, ёзги айвонча ва йўлакларни асфальтлаш ишларига лойиха хужжатларини тайёрлаш .

1.2.Танловнинг юқори қиймати— 980 000 000 (тўққиз юз саксон миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати — аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Жалақудуқ туман Мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) — танлов ташкилотчиси хисобланади.

"Буюртмачи" манзили. Жалақудуқ туман Туялас кўчаси 2-уй

2.2.Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Жалақудуқ туман Мактабгача таълим бўлими "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" 684-Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт

- Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника рўйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти суғурталанганлиги
- Техника ҳафсизлиги коидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йўриқномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган қафолат муддати
- Шу соҳада олдин қилинган ишлари бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

фақат битта таклиф бериши мумкин; тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календарь кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақиқат. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни татим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.